



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 3 октябрь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 191 / 11.000. / Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида** «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталашнинг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва муаммолар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **Парламент куйи палатасининг** Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ўтказган семинар давлат ҳокимияти органлари ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда матбуот хизматларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланди.

● **«Камолот» ЁИХ** Марказий Кенгаши ташаббуси билан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Германия, АКШ, Миср, Россия, Ҳиндистон, Япония ҳамда Ўзбекистоннинг етакчи олим ва экспертлари иштирок этишди.

● **И.В.Савицкий** номидаги Қорақалпоғистон Давлат Санъат музейида очилган халқаро симпозиум «Оролбўйи маданиятлар чорраҳасида» деб номланди. Унда мамлакатимиз археологлари, этнографлари билан бирга Австралия, Германия, Франция, Россия Федерацияси, АКШ, Буюк Британия, Қозғистон, Польша, Ирландия ва бошқа давлатларнинг ушбу йўналишда илмий фаолият олиб бораётган ходимлари иштирок этмоқда.

● **Фаргона** шаҳридаги «Дўстлик» ресторанида бўлиб ўтган ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тантаналарида бир гуруҳ фидойи педагогларга Фахрий ёрликлар ҳамда қimmatбахо эсдалик совғалари топширилди. Тантанана ташриф буюрган вилоят санъат усталарининг дилрабо куй-қўшиқлари, ичкаузди хангомалари тadbирга ўзгача файз бахш этди.

● **«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи»** Республика танловининг 2007 йилги ғолиблари кеча идоралараро экспертиза ҳайъати мажлисида аниқланди.

● **Тошкентда қозоқ адабиётининг** мумтоз вакили Мухтор Азевоз таваллудининг 110 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тadbир Қозғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Республика Фанлар академияси ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан ташкил этилди.

● **Бухоролик тadbиркор** ва фермерлардан иборат ҳомийлар 2006-2007 ўқув йили давомида мактабларга жами 1 миллиард 505 миллион 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Бу маблағ ўқув базасини мустаҳкамлаш, синф хоналарини таъмирлаш, эшик ва ойналарни янгилаш, спорт анжонларини харид қилишга сарфланди.

ЖАҲОНДА

● **Кеча Пхеньянда Жанубий ва Шимолий Корея** вакиллари иштирокида иккинчи саммит бошланди. Унда ҳар иккала мамлакат раҳбарлари Корея ярим оролида барқарорликни таъминлаш, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказишмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, саммит муносабати билан Жанубий Корея Президенти Но Му Хён мамлакатнинг Шимолий Корея билан туташган чегарасини пиёда кесиб ўтди.

● **БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича** Кенгаши Мьянмадаги вазиятни муҳокама қилиш учун фавқулодда йиғилиш ўтказмоқда. Европа Иттифоқи Кенгашга ўз резолюцияси лойиҳасини тақдим этди. Унда Мьянмада оммавий равишда инсон ҳуқуқларини поймол этган шахсларнинг суд қилиниши лозимлиги айтилган.

● **Индонезиянинг Суматра оролида** Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли зилзила рўй берди. Ҳозирча зилзила оқибатида қурбон бўлганлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумот йўқ.

● **Буюк Британия** Бош вазири Гордон Брауннинг маълум қилишича, ҳозирда Ироқда 5,5 минг кишидан иборат ҳарбий контингентга эга Бирлашган Қироллик ҳукумати жорий йил сўнгига қадар мазкур таркибни минг нафарга қисқартиради.

● **Кеча Москва** Давлат корпоратив бошқарув институтида рўй берган кучли ёнгини оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмди, уч киши бедарак йўқолди.

● **Австралия** полицияси Венада жойлашган АКШ элчихонасига портловчи ускуна солинган сумка киришга уринган бир кишини қўлга олди. Ҳибсга олинган 42 ёшли боснияликнинг юк халтасида ичига мих ва бошқа турли темир парчалари жойланган қўлбола бомба бўлган.

● **Афғонистон** пойтахти Кобул шаҳри марказида полициячилар кетаётган автобус ёнида содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида ўндан ортиқ тартиб посбонлари ҳаётдан кўз юмган, 15 нафари эса жароҳатланган.

● **Францияда** товушдан тез учувчи машини «Конкорд» самолёти бўлақларга бўлиниб, кимшоиди савдосига қўйилди. Аукциондан фақат самолётнинг рамзи ҳисобланган олд қисми ўрин олмади. Тўрт кун давом этган кимшоиди савдолари натижасида «Конкорд» қисмлари 1 миллион долларга яқин қийматда сотилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР КЎПЯЯДИ

БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА изланганнинг иқболи бор, янгиликлар яратганинг истиқболи порлоқ, чунки изланиш асосида янги маҳсулот турлари яратилади, харидор талаб ва эҳтиёжи қондирилади. Сифат асосий ўринга қўйиладики, чунки бу буюртмалар кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

«Технолог» очик акциядорлик жамияти таркибига кирувчи «Технолог—Техноласт» шўъба корхонаси ҳам бир ярим йиллик қўсқа фаолияти давомида маҳсулот турларини кўпайтиришга, ўз харидорига эга бўлишга интилаётган жамоалар сирасидандир.

Корхона мутахассислари бугунги кун талаблари асосида изланишар экан, маҳсулот лойиҳасини тайёрлаш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этилган эшларнинг усуллардан фойдаланиб, ИСО 9001-2000 сифат тизимини қўллашади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатбардosh маҳсулот турларини яратишга саъй-ҳаракат қилган корхонанинг тadbиркор мутасаддилари тажрибали конструктор, технолог ва ишчи-

Иқтисодиёт



хизматчиларни сақлаб қолишга эътибор қаратганлиги боис ҳам яратувчанлик йўлидаги изланишлар самараси яққол сезилмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари махсус металл қирқувчи дастгоҳлар билан жиҳозланган. Цехларда малакали кадрлар меҳнати билан ишлаб чиқарилаётган ностандарт технологик жиҳозлар, металлдан турли бўлғовчи қисмлар, саноатда қўлланиладиган пластмасса маҳсулотлари ҳамда хорижий дастгоҳлар учун турли хил бутловчи эҳтиёт қисмлари сифати билан ажралиб туради.

Корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачилари сирасига «Қўриққурилиши» трести, «Инфомаш қурилиши», «Дастгоҳ», «Бутловчи қисм» масъулияти чекланган жамиятлари ва

бошқалар қиради.

Қўриқ қурилишида ишлатиладиган бетон ўтказгич қисмлари, машиналар учун тирсақли валлар, дастгоҳлар учун турли мураккаб эҳтиёт қисмлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Янги замонавий технологиялар асосида пластмассадан турли деталлар тайёрлаш корхонанинг яна бир йўналишларидандир. Мазкур маҳсулотлар қўриқиши, ҳажми ва турига қараб халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Ўз йўналишларига эга бўлган корхона тadbиркорлари сифат ва самарадорлик асосида иш юритиб, маҳсулотнинг рақобатбардosh турларини кўпайтиришга, буюртмаларни тез ва соз баҳарлишга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Йиғиш цехи илгор ишчиси Раҳимжон Тўлаганов, чилангар-йиғувчи Шоқир Усмонов сидқидилдан меҳнат қилади.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

● **«SAMSUNG»** компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан мамлакатимиз футболини кўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар иштирокида ўтказилган акция яқунланди.

● **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида Ҳамза туман халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Устоз — муқаддас зот» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан мамлакатимиз футболини кўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар иштирокида ўтказилган акция яқунланди.

публикаси мудофасига кўмаклашувчи «Ватанларвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган «Таъзим сизга, устозлар!» деб номланган тadbирда фахрий ўқитувчилар, спорт мураббийлари ва амалий бошқарув усталарига эсдалик совғалари топширилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясида олимлар иштирокида уюштирилган анжуман академик Қори Нибзий таваллудининг 110 йиллигига бағишланди. Йиғилишда олий ўқув юрталари талабалари учун Қори Нибзий номида стипендия таъсис этилишини маълум қилинди.

● **ЮНСОБОД** туманидаги «Нуронийлар» оромгоҳида Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи ҳамкорлигида уюштирилган тadbир «Қарияларни эъзозлан» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҚАЧОНКИ ШОГИРД УСТОЗИДАН УСТУН КЕЛСА...
унга мустақил ҳаётга йўлланма берилади

АММО АЙНИ ПАЙТДА гап Ўзбекистонлик теннисчига ҳам ота, ҳам мураббий сифатида ишонч билдириб келаятган леонид сергеевич ҳақида эмас, балки Владани ҳали ёш, тажрибасиз дея, ўз муваффақиятлари билан, маҳорат орттириш сирлари билан ўртоқлашишни унчалик истамаётган, аммо еқшибарова уларни ўз устози деб билган айрим тажрибали спортчилар ҳақидадир.

Бир қараганда, ҳамма ҳам шундан бошлайди: мунтазам машғулотлар, мусобақалар, тушунлиқ даврлари... Бирок барибир қачондир илк муваффақиятга эришилади ва айнан шундай хурсандчилик ва қувончли дамлар янги марраларни забт этишга куч-қувват беради, демакки бетўхтов машқ қилиши ва беллашувлардан чарчамаслики талаб этади...

Агарда бизнинг қаҳрамонимиз бундай жараёнларни бошидан кечирмаган десак, албатта, хато қил-

ган бўлаемиз. Шундай бўлсада, Владани ҳақида сўз юритишимизга ўзига хос сабаб бор.

Еқшибарованинг кеча «Tashkent open — 2007» да кўрсатган ўйинига-ча аввалги ютуқларига оид унчалик қизиқиш бўлмаганини тан олмақ керак. Шубҳасиз, бу гапдан ҳам «қизим бир кун келиб оламшумул муваффақиятга албатта эришади» деган умид билан яшаётган отаси мустақилдир. Аслида эса унинг айнан олдинги натижалари Владанинг бугун шундай нуфузли турнирда асосий маррани забт этишига асос бўлганини инкор қилиб бўлмайди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2007 йилнинг 1 октябрдан мuddатли ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ўТАЁТГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЛАВОЗИМ МАОШЛАРИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ Тўғрисида

Ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини янада ошириш, мuddатли Ҳарбий хизматдаги Ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини оширишда моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябрдан бошлаб мuddатли Ҳарбий хизматни ўтаётган Ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорлари 1,15 баравар оширилсин.
2. Мазкур Ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошларини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ҳамда Молия вазирлигининг махсус ҳисоби «Сафарбарлик қақирув резерви маблағлари» ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармоннинг талабларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқлик ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Миллий ҳафсизлик кенгашининг Котиби М.И.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

29 СЕНТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING САЙЁР МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР 2007-2008 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ Тўғрисидаги МАСАЛА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Кайд этиб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 25 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурини бажариш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли тadbирлар режалари қабул қилинган ва улар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, мамлакат Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини тушундириш юзасидан маърифий ишлар олиб борилмоқда. Бунда тинчлик, мустақиллик, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик гоёларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

11.000-сон «ОҚШОМ» БИЛАН ДОИМО БИРГА БЎЛИНГ!

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН. БУГУН «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎН БИР МИНГИНЧИ СЕНИ БОСМАН ЧИҚДИ.

«Оқшом»га ҳамроҳлик қилган, ўз иход намуналари билан қатнашган, бир сўз билан айтганда, газетанинг ўқимишли чиқишига ўз хиссасини қўшган барча мухлисларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Шу кунларда 2008 йилга газета ва журналларга обунда давом этмоқда. Биз барча мухлислар, азиз газетхонларнинг «Оқшом»ни ҳаммаша қўллаб-қувватлаб сезимли газеталарига кейинги йилга ҳам обун бўлишларига ишонамиз. Зеро, келаси йилда ҳам «Оқшом» саҳифаларида албатта ўзингизни қизиқтираётган турли мавзуларда материаллар бериб борилди. Яхши кайфият Сизни асло тарк этмасин, азизлар!

